O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №



# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 19 апрель, № 78 (4488) Шанба

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг таклифига биноан 2008 йил 22-23 апрель кунлари расмий ташриф билан ушбу мамлакатда бўлади.

Учрашувлар чоғида Ўзбекистон Республикаси билан Қозоғистон Республикаси ўртасидаги кўп томонлама ҳамкорликни кенгайтириш ва ривожлантириш билан боғлиқ, шунингдек, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик масалалар муҳокама қилинади.

## ОМБУДСМАНЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида "Фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман фаолияти: Испания ва Ўзбекистон тажрибаси" мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.***

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) томонидан ташкил этилган мазкур анжуманда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари, мамлакатимизнинг тегишли вазирлик ва идоралари, халқаро ташкилотлар, дипломатик корпус вакиллари, олим ва мутахассислар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) С. Рашидова, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари А. Рустамов, Ўзбекистон Республикаси Конституциявий суди раисининг ўринбосари Б. Мирбобоев ва бошқалар Президент Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самараларини бераётганини алоҳида таъкидладилар. Ўзбекистонда Омбудсман фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши учун барча қонуний асослар яратилган. Бу йўналишда тобора мустаҳкамланиб бораётган халқаро ҳамкорлик муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Омбудсман институти фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб самарали ишларни амалга ошириб келмоқда. Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш устидан парламент назоратини олиб боришда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили нафақат бузилган ҳуқуқларнинг тикланишига, балки Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларини янада такомиллаштиришга ҳам кўмаклашмоқда. Унинг халқаро ҳамкорликни ривожлантириш соҳасидаги фаолияти ҳам эътиборга сазовордир. Ўзбекистон Омбудсмани томонидан қирқдан зиёд мамлакат, жумладан, Россия, Польша, Швеция, Австрия, Латвия, Озарбойжон, Словакия, Франция ва Испаниядаги турдош муассасалар билан яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилган.

(Давоми 2-бетда).



## МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ЭЗГУЛИК

***Ўзбекистонимиз буюк алломалар, авлиёлар, жаҳонгирлар юрти. Унинг ҳар қарич тупроғи табаррук, гардини тўтиё қилгудек муқаддас. Зеро, Урганч, Самарқанд, Бухоро, Андижон, Насаф, Фарғона, Марғилон, Хўқанд, умуман, бутун Ўзбекистонимиз заминида қанчадан-қанча улуғ боболаримизнинг хоки ётибди.***

Туронзаминлик валийлар, арбоблар, муаррихлар, хаттотлар, мусаввирлар, ҳакимлар, нужумшунослар, тупроқшунослар, хулласи калом, илму ҳунар соҳиблари ўтган замонларда неки фан, неки бунёдкорлик, неки тадқиқ ва ўрганишни тақозо этган бўлса — барида пешқадам ва етакчи бўлганлар.

Бу ўринда салтанат тузиш, давлат бошқарувининг қоидаларини яратиш, ер юзида тинчлик ва адолат ўрнатишга асосланган тамойилларни ишлаб чиққан Соҳибқирон Амир Темур, Заҳириддин Бобур хизматларини айтиб ўтсак, бизнинг кимлигимиз, шуҳратимиз ва қудратимиз мезонлари яққол кўринади.

Шу билан бирга, асрий таҳқир ва тазйиқлар, зулм ва асоратдан халос бўлган халқимиз Юртбошимиз Ислом Каримов бошчилигида қадриятларимиз, анъаналаримиз, бой маданий меросимизнинг харобаларга айлантирилган хазиналарини очди, унинг мўъжизакор обидаларини қайтадан барпо этди. Мухтасар айтганда, истиқлол даври — буюк бобокалонларимизнинг жаҳон тамаддунига, илм-фан равнақига, ислом динига қўшган мислсиз хизматларини ворисийлик нуқтаи назаридан муносиб тақдирлади.

**▼ Ифтихор**

Чунончи, Президентимиз ташаббуслари, ғоялари ва раҳнамолигида ана шундай аждодларимизнинг муборак таваллуд саналарини нишонлаш, шу асосда уларнинг қадамжоларини обод қилиб, меросини ўрганиш, ундан халқимизни баҳраманд этиш бўйича амалга оширилган хайрли ва эзгу ишларни санасак, қалбимизда фахру ифтихор туямиз.

Алҳол, 1998 йили ҳадис илмининг султони Имом Бухорий бобомизнинг Челак туманидаги Хартанг қишлоғидаги мақбараси ўрнида махсус ёдгорлик мажмуи барпо этилиши, алломанинг 1225 йиллиги нафақат Ўзбекистонимизда, балки бутун ислом оламида кенг нишонланиши тарихий ва оламшумул воқеага айланди.

Бу беназир, маҳобатли ёдгорлик мажмуи қисқа муддатларда — 8 ой мобайнида, Президентимиз раҳбарлигида яратилган лойиҳа асосида Самарқанд, Бухоро, Хива, Тошкент, Андижон, Наманган, Қўқон, Шаҳрисабз усталари томонидан қуриб битказилди.

Ёдгорлик мажмуасига уч пештоқли ўймакор эшикли дарвозалар орқали кирилади. Дарвозаларнинг олди ва ҳовли томонидан анъанавий услубда пештоқ ишланган. Олд пештоқнинг икки тарафидаги кошинлар орасига араб ва лотин алифболарида ёдгорликнинг қурилиши ҳақида маълумот акс этган лавҳалар ўрнатилган. Бош йўлнинг ўнг тарафида фусункор фаввора товланиб турибди. Катта дарвозахонанинг ўнг тарафида маъмурий ва бошқа ёрдамчи хоналар жойлашган бўлса, фаввoрадан чапда, масжид тарафда қадимий чинорлар ва ҳовуз эътиборни тортади. Умуман олганда, мажмуа мужассамоти — Имом ал-Бухорий мақбарасида олий нуқтасига етади. Мақбара мурабба шаклида қурилган, энига ўлчами 9,0 х 9,0 метр, баландлиги 17,0 метрдир.

(Давоми 2-бетда).

## МАҲАЛЛА – ХАЙРЛИ ИШЛАР МАСКАНИ

***Улғайиб келаётган авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга эҳтиром руҳида тарбиялаш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва йигит-қизларга жаҳон андозалари даражасида таълим бериш Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган "Ёшлар йили" Давлат дастурининг устувор йўналишларидандир.***

Бу борадаги вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда давлат, жамоат ташкилотлари, таълим муассасалари билан бир қаторда, маҳаллалар томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, "Маҳалла" жамғармаси республика бошқарувининг Қарши шаҳрида ўтган кенгайтирилган раёсат йиғилишида ана шулар ҳақида сўз борди.

"Маҳалла" жамғармаси бошқаруви раиси А. Аҳмедов мамлакатимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча жабҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар жараёнида халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтожларни қўллаб-қувватлаш ва халқимизнинг манфаатларини муҳофазалашга қаратилаётган эътибор ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Бу борада маҳалла тузилмалари томонидан ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, жорий йилнинг биринчи чорагида кам таъминланган оилаларга олти юз миллион сўмдан кўпроқ хайрия ёрдами кўрсатилди. Мамлакатимизда 15-16 март кунлари бўлиб ўтган умумхалқ хайрия ҳашари доирасида кўплаб эҳтиёжманд оилаларнинг уй-жойлари таъмирланди.

"Меҳрибонлик", "Саховат", "Мурувват" уйлари ва ихтисослашган махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида 115 миллион сўм миқдоридаги кийим-кечак ва совғалар тақдим этилди. Айтиш жоизки, кам таъминланган оилалар, ўзгалар кўмагига муҳтожлар, боқувчисини йўқотганлар ва бошқа эҳтиёжмандларга бундай хайрия ёрдамини кўрсатишда ишбилармон, тадбиркор, саховатпеша ҳомийларнинг кўмаги катта бўлмоқда.

Аҳоли, хусусан, ёшлар орасида миллий истиқлол ғояси ва қадриятларимизни кенг тарғиб этиш, навқирон авлодни салбий иллатлар таъсиридан асраш, бой ва бебаҳо анъаналаримизга эҳтиром руҳида тарбиялаш маҳалла тузилмалари фаолиятининг муҳим йўналишларидандир. Бу борада Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 25 августдаги "Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги қарори муҳим дастуриламал бўлаётир. Мазкур ҳужжатда белгиланган вазифаларни ҳаётга изчил татбиқ этиш мақсадида маҳалла, қишлоқ, шаҳарча ва овулларда тарғибот гуруҳлари фаол иш олиб бораётир.

Тадбирда "Энг намунали маҳалла" кўрик-танлови ғолиблари тақдирланди.

(ЎзА).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

***18 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда жорий йилнинг биринчи чорагида республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларнинг энг муҳим вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ҳар томонлама муҳокама қилинди.***

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан шу йил 8 февралда республика ҳукумати мажлисида белгилаб берилган 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг 8,1 фоизга, саноат ишлаб чиқариши ҳажмининг 10,6 фоизга, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши ҳажмининг 4,8 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 5,0 фоизга, чакана товар айланмасининг 12,7 фоизга, пулли хизматлар ҳажмининг 19,8 фоизга ўсишини таъминлаганлиги қайд этилди.

Ташқи савдо айланмаси барқарор юқори суръатларда, энг аввало, экспортнинг 56,1 фоиз даражасида ўсиши ҳисобига ошмоқда. Давлат бюджети профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз параметрларидан ошмади.

2008 йилги Инвестиция дастурини, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга ошириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар инвестициялар ҳажмининг 41 фоизга, шу жумладан, тўғридан-тўғри инвестицияларнинг 56,8 фоизга ўсишига кўмаклашди. Жорий йилнинг биринчи чораги мобайнида «Женерал моторс Ўзбекистон» қўшма корхонасида янги моделдаги «Нексия-2» автомобилини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, 105 та ишлаб чиқариш объекти, шу жумладан, Помуқ конида қўшимча сиқиш компрессор станцияси, «Тагус текстиль», «Само Шертекс» қўшма корхоналари ва «Байпак» хорижий корхонаси тўқимачилик корхоналари, «Қизириқ Зарафшон ун» қўшма корхонасида ун ва «Қувасой қурилиш» масъулияти чекланган жамиятида шифер ишлаб чиқариш қувватлари ишга туширилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли ялпи ички маҳсулотда кичик бизнеснинг улуши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 фоизга ўсди. Кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш учун ажратилган кредитлар ҳажми 269 миллиард сўмни ташкил этди ёки ўтган йилнинг биринчи чорагига нисбатан 39,8 фоизга кўпайди.

Мақсадли комплекс дастурларни амалга ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирлар ҳисобот даврида қарийб 170 мингта янги иш ўрни яратиш, шу жумладан, хизматлар ва сервис соҳасида 67 мингтадан ортиқ, касаначиликни ташкил этиш ҳисобига 55 мингта иш ўрни ташкил қилиш имконини берди.

Ёшларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга, улар учун янги иш ўринлари барпо этишга, ёш оилаларнинг уй-жой ва маиший шароитларини яхшилашга, ёшларнинг таълими сифатини юксалтиришга йўналтирилган «Ёшлар йили» Давлат дастури тадбирларини амалга ошириш юзасидан фаол чора-тадбирлар кўрилди. Ушбу мақсадлар учун жорий йилда 1,5 триллион сўм ажратиш назарда тутилмоқда. Қуролли Кучлардаги хизматдан қайтган 3,2 минг нафар ёш ишга жойлаштирилди. Қишлоқ жойларда ёш оилаларга қорамол сотиб олиш учун 1,4 миллиард сўм имтиёзли кредитлар ажратилди.

Мажлисда 2008 йилги Инвестиция дастурини, шунингдек, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш дастурларини амалга оширишнинг борилиши ҳар томонлама муҳокама қилинди. Қишлоқ ва сув хўжалиги, нефть-газ, кон-металлургия тармоқларида, қурилиш материаллари саноатида айрим инвестиция лойиҳалари бўйича лойиҳа ҳужжатларини тасдиқлашни ва уларни амалга ошириш учун инвестицияларни жалб этишни тезлаштириш зарурлиги таъкидланди.

Ушбу масалани муҳокама қилиш якунлари бўйича давлат ва хўжалик бошқаруви органлари раҳбарлари олдига ишлаб чиқаришнинг барқарор юқори ўсиш суръатларини сўзсиз таъминлашга, 2008 йилги Инвестиция дастурига ҳамда модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш тармоқ дастурларига киритилган объектларни ўз вақтида ишга туширишга, ушбу мақсадлар учун инвестицияларни, энг аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишга йўналтирилган зарур чора-тадбирлар кўриш вазифаси қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг жорий йил 15 апрелда Халқ депутатлари Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги маърузасида белгилаб берилган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан ишончли таъминлаш масалалари республика ҳукумати мажлиси қатнашчиларининг диққат-эътиборида бўлди. Аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашнинг ҳолати вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар бўйича ҳар томонлама таҳлил қилинди.

Республика ҳукумати томонидан кўрилаётган чора-тадбирлар аҳолининг ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжларининг кафолатли қондирилишини таъминлаётганлиги қайд этилди. Республиканинг ишлаб чиқариш салоҳияти ҳамда дон, ун, ўсимлик ёғи ва бошқа турдаги асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг шакллантирилган ишончли захиралари, улгуржи ва чакана савдодаги зарур захиралар аҳолининг уларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ қоплайди, ички истеъмол бозорининг узлуксиз тўлдирилишини таъминлайди. Озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилмоқда ва янги ишлаб чиқариш қувватлари фойдаланишга топширилмоқда. Фақатгина жорий йилнинг биринчи чорагида 43 та янги озиқ-овқат саноати корхонаси ишга туширилди.

Шу билан бирга, республика ҳукумати мажлиси ўтказилиши арафасида амалга оширилган ўрганиш натижалари республикада ишлаб чиқарилаётган озиқ-овқат маҳсулотлари турларини янада кўпайтириш ва сифатини ошириш, чакана савдо корхоналарини, айниқса, қишлоқ жойлардаги савдо корхоналарини озиқ-овқат товарлари билан барқарор таъминлашда улгуржи савдо бўғинининг ролини мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимлари зиммасига аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан барқарор, узлуксиз таъминлаш ҳамда савдода, деҳқон ва озиқ-овқат бозорларида нархларнинг асоссиз ўсишига йўл қўймаслик учун шахсий жавобгарлик юкланди.

Шунингдек, 2008 йилда сабзавот, полиз маҳсулотлари, картошка, чорвачилик маҳсулотлари, ўсимлик ёғи ва гуруч ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Тижорат банкларига мева-сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка харид қилиш шартномалари бўйича фермер хўжаликларини ўз вақтида аванс маблағлари билан таъминлаш учун агрофирмаларга ва тайёрлов ташкилотларига имтиёзли кредитлар ажратиш, шунингдек, юқори сифатли уруғлик картошка, полиз ва мева-сабзавот экинлари уруғлари ва кўчатлари, ниҳоллар, ёш қорамол харид қилиш учун деҳқон ва фермер хўжаликларига кредитлар бериш тавсия этилди.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компаниясига, Ёғ-мой ва озиқ-овқат саноати уюшмасига Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ва вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда ихтисослаштирилган савдо шохобчаларида, айниқса, узоқ қишлоқ аҳоли пунктларидаги савдо шохобчаларида омихта чорва озуқалари, шрот ва шелуханинг ўз вақтида келтирилиши ва аниқ манзилли сотилиши устидан қатъий назорат ўрнатиш топширилди.

Аҳолини иш билан банд этиш муаммоларини ҳал қилиш амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош устувор вазифасини – инсон манфаатлари устуворлигини рўёбга чиқаришда ҳамон энг муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. Бу борада йирик корхоналарнинг касаначилик билан кооперация алоқаларини кенгайтириш алоҳида муҳим аҳамият касб этадики, у анча кам капитал харажатлар билан янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлайди. Электротехника соҳаси, енгил саноат ва пойабзал ишлаб чиқариш саноатида, Бухоро, Наманган ва Тошкент вилоятларида корхоналар ва касаначилик меҳнати ўртасидаги кооперация алоқаларини кенгайтириш бўйича мавжуд салоҳиятни рўёбга чиқариш ишлари етарли бўлмаётганлиги таъкидланди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмаларига Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан биргаликда 2008 йилда касаначилик иш ўринларини ташкил этиш параметрларини қайта кўриб чиқиш топширилди. Корхоналарнинг касаначилар билан кооперациясини ривожлантириш ва касаначилик меҳнати турларини кенгайтириш бўйича салоҳияти ва имкониятларининг тўлиқ ишга солинишини таъминлаш, хўжалик юритувчи субъектларни касаначиликни кенгайтирганлик учун рағбатлантириш ва масъулиятини ошириш бўйича таъсирчан механизмни жорий қилиш, шунингдек, корхоналар томонидан касаначилар билан тузиладиган меҳнат шартномалари талабларига, шу жумладан, уларни буюртмалар, хом ашё, асбоб-ускуналар билан ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда таъминлаш, иш ҳақини тўлашга доир талабларига сўзсиз риоя қилиниши зарурлиги қайд этилди.

Мажлисда бошоқли экинларнинг 2008 йилги дон ҳосилини ўриб-йиғиб олиш мавсумига ғалла ўриш-йиғиш техникасини тайёрлашни тугаллаш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ишларини ташкил этиш ва жадаллаштириш, шу жумладан, мелиорация объектларини қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини экспертизадан ўтказишни жадаллаштириш бўйича ишларнинг бажарилиши муҳокама қилинди.

«Ўзмелиомашлизинг» давлат лизинг компаниясига Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги ҳузуридаги Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини бошқариш департаменти билан биргаликда Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш Давлат дастурида назарда тутилган импорт мелиорация техникаси, машиналари ва бошқа механизация воситаларини ўз вақтида харид қилиш, улардан самарали фойдаланилишини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш топширилди.

Республика ҳукумати мажлисида кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича қарор қабул қилинди. Қарорда 2008 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифаларининг сўзсиз амалга оширилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар белгиланди.

(ЎзА).

Бир рақам шарҳи

## МАҲАЛЛИЙ ХОМ АШЁДАН ТАЙЁР МАҲСУЛОТЛАР



**2008** йилда «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компанияси тизимида қиймати **27** миллиард сўмлик лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

**Маҳаллийлаштириш дастури доирасидаги ана шу ўн бешта лойиҳани амалиётга жорий этиш натижасида республикамизда ўз хом ашёмиз негизида тайёр маҳсулотлар, буюмлар ва материаллар ишлаб чиқарилади.**

***Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида юртимизда ҳар томонлама мустаҳкам ҳуқуқий асосга эга бўлган ишончли ижтимоий ҳимоя тизими шаклланганлигини ва у амалда ўзини оқлаётганини алоҳида қайд этган эди. Юртбошимиз эришилган ютуқлар билан бир қаторда, ҳали ҳал этилиши зарур бўлган кўпгина муаммолар борлигини ҳам алоҳида таъкидлаганди. Бу борада, чунончи, олиб бораётган сиёсатимизнинг ҳуқуқий асосларини ва қонуний нормаларини янада такомиллаштириш устида ишлашни ҳаётнинг ўзи тақозо қилмоқда. Яқинда “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг кучга кирганини ана шу фикрнинг инъикоси, деб аташ мумкин. Мухбиримиз ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти хусусида муфассал маълумот беришини сўраб, Сенатнинг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси аъзоси Абдурашид АЛТИЕВга мурожаат қилди.***

# ИСТЕЪМОЛЧИ МУҲОФАЗАСИ

## Қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар буни кафолатлайди

— Бу қонунга киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларни ишлаб чиқишда асосий эътибор аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва истеъмолчилар ҳуқуқлари кафолатларини янада мустаҳкамлашга қаратилди, — дейди Абдурашид Султонович. — “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги Қонун истеъмолчиларга ўз ҳуқуқларини тўлиқ амалга оширишни кафолатлайди, маҳсулот ва хизматларнинг реализация қилинишида юзага келадиган муаммоларни бартараф этади. Жумладан, уларни белгиланган меъёрлар ва сифатга тўғри келишини таъминлайди ва истеъмолчилар ҳуқуқларини янада самарали ҳимоя қилади.

**— Мазкур Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритишга қандай эҳтиёж туғилди?**

— Маълумки, амалиётда кўп ҳолларда ишлаб чиқарувчилар товарнинг ишлаб чиқарилган санасини кўрсатмайди. Бу эса, ўз навбатида, истеъмолчини товарнинг сифати ва яроқлилик муддатида истеъмол қилиш ҳамда кўзда тутилган мақсадларда фойдаланиши тўғрисидаги маълумотларга эга бўлишини таъминламайди. Табиийки, бу каби ҳолатлар истеъмолчилар ҳуқуқларининг поймол бўлишига, шунингдек, бошқа қатор салбий оқибатларга олиб келмоқда.

Қайд қилинганларни эътиборга олиб ва бунга келгусида йўл қўймаслик учун ҳам амалдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 21 ҳамда 27-моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Қонуннинг “Ишлаб чиқарувчи (ижрочи)нинг кафиллик мажбуриятлари” номли 11-моддасининг олтинчи қисмида даволаш, истеъмол қилишга мўлжалланган ва маиший кимё товарларида ишлаб чиқариш санаси кўрсатилиши мажбурийлиги тўғрисидаги норма амалда мавжуддир. Аммо амалиёт ушбу нормани мазкур товарларни сотувчиларга нисбатан ҳам татбиқ этиш мақсадга мувофиқлигини кўрсатди.

Чунки кундалик турмушимизда сотувчилар яроқлилик муддати кўрсатилган, аммо ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган товарларни сотиш учун қабул қилаётганлик ҳолатлари ҳам учраётир. Бу ҳолда истеъмолчи, албатта, яроқлилик муддатини ҳисоблаш имкониятига эга бўлмайди. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш Давлат қўмитасидан олинган маълумотга кўра, ўтган давр мобайнида мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган 486 та мактабгача таълим муассасасида (боғчаларда) ўтказилган ўрганиш ва таҳлиллар натижасида уларнинг 43 тасида ёки 9 фоизида болаларга овқат тайёрлаш мақсадида харид қилиниб, боғча захирасида сақланаётган, ишлаб чиқарилган санаси кўрсатилмаган, умумий ҳажми 1652 кг. озиқ-овқат маҳсулотлари мавжудлиги аниқланган. Хусусан, Урганч шаҳридаги 10 та мактабгача таълим муассасасида ишлаб чиқарилган санаси ва яроқлилик муддати кўрсатилмаган 1,2 млн. сўмлик озиқ-овқат маҳсулотлари (“Томат пастаси”, “Ўрик ва олма повидлоси”) харид қилинганлиги аниқланган.

Яна бир мисол. Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси 2007 йилда 100 га яқин ҳолатда хусусий дорихоналар томонидан истеъмолчиларга ишлаб чиқариш санаси кўрсатилмаган, яроқлилик муддати ўтган сифатсиз дори воситаларини реализация қилиш ҳолатларини аниқлаган. Бундан ташқари, бу каби ҳолатларга истеъмолчиларга дори-дармон воситалари, гўшт-сут маҳсулотлари, қандолат ва бошқа асосий истеъмол товарларини ишлаб чиқариш ва реализация қилишда ҳам дуч келинган.

**— Янги кучга кирган Қонунда кўрсатилмаган хизмат учун ҳақ олинмаслиги белгилаб қўйилган. Олдин бундай тушунча йўқ эди. Нега?**

— Амалиётда, ҳақиқатан ҳам, кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олиш ҳолатлари бўйича истеъмолчилар томонидан кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Мутасадди идоралар томонидан аҳолининг табиий газ билан таъминланиш ҳолати ўрганилганда, биргина Наманган вилоятининг ўзида 2003 йилдан 2006 йилга қадар аҳолидан кўрсатилмаган хизмат учун 2,0 млрд. сўмдан зиёд ортиқча ҳақ олинганлиги, соғлиқни сақлаш тизимида эса истеъмолчилардан 80 млн. сўмдан зиёд ортиқча маблағ олинганлиги, ушбу кўрсаткич коммунал хизмат соҳасида 3,0 млрд. сўмни ташкил этганлиги маълум бўлган.

Телефон тармоғи бўйича абонент тўловига гаплашмаганлик учун операторлар томонидан ноқонуний тўлов киритиш ҳолатлари бўйича ўтказилган сўровнома ҳам фикримизнинг нечоғли тўғрилигини тасдиқлайди. Респондентларнинг 7,8 фоизи доимий равишда, 28,2 фоизи баъзан мазкур ҳолатлар учраб туришини, шунингдек, 69 фоизи телефон тармоғидаги носозликлар 20 кундан ортиқ давом этиши ва бу бўйича тегишли ҳисоб-китоблар қилиб берилмаслигини маълум қилганлар. Шу каби ҳолатлар аҳолига коммунал хизматлари кўрсатиш тизимларининг барча соҳаларида, болалар боғчалари, умумий овқатланиш, турли хилдаги тўловларни қабул қилиш хизматлари ва бошқа муносабатларда кузатилмоқда. Бу эса, истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўғридан-тўғри поймол қилинишига олиб келмоқда. Бироқ шуни ҳам таъкидлаш жоизки, амалдаги “Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”-ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида ҳақиқатда кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олишни тақиқловчи норма мавжуд эмас эди. Қонунда бундай норманинг мавжуд эмаслиги, мазкур хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолидан кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олиш ҳолатларининг кўплаб учраётганлигига сабаб бўлаётганлиги амалдаги Қонунга айнан мазкур қўшимчани киритиш заруратини туғдирди. Айнан шу муносабат билан Қонуннинг 21-моддасига кўрсатилмаган хизматлар учун ҳақ олинишини тақиқловчи қўшимча киритилди.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарувчилар (ижрочи, сотувчи) томонидан товарлар (ишлар, хизматлар) тўғрисида ахборот тақдим этилмаганлиги ёки била туриб нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги учун жавобгарликни белгиловчи норма билан тўлдирилди. Ўйлаймизки, ушбу Қонунни амалиётга татбиқ этиш аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва амалдаги ижтимоий ҳимоя тизими самарасини янада оширишга, тегишли маълумотларга эга бўлмаган товарларни ишлаб чиқариш ва сотилишини камайтиришга, маҳсулотларни сотиб олишда тенг шарт-шароитлар яратиш ҳамда зарур ҳажмдаги ва лозим даражадаги сифатли маҳсулотларни олиш имкониятини яратади.

**Қобил ХИДИРОВ суҳбатлашди.**

▼ Қонун кучга кирди



***Қарши шаҳрида кейинги йилларда замонавий меъморчиликнинг сўнгги ютуқлари асосида қад кўтарган кўплаб маданий-маиший, маъмурий бинолар орасида Ёшлар маркази ўзига хослиги билан ажралиб туради. Яқинда ишга тушган бу маскан бугунги кунда нафақат Қарши шаҳри, балки бошқа туманлардаги ўқувчи ва талаба, ишчи ва зиёли ёшларнинг севимли масканига айланиб қолди. Навқирон авлоднинг дунёқарашини шакллантириш, маънавиятини юксалтириш, билимини ошириш, иш билан таъминлаш, ижтимоий фаоллигини кузатиш масалаларига бағишланган катта-катта анжуманлар ҳам шу ерда ўтмоқда.***

# ЭНГ ГАВЖУМ ДАРГОҲ

**Б**у йил — Ёшлар йили. Ҳар ойнинг учинчи шанбаси вилоятда Ёшлар куни, деб эълон қилинган. Шу куни Ёшлар маркази ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлади.

Биз «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими раҳбари Исломиддин Аброров билан марказни айланар эканмиз, бунга яна бир бор амин бўлдик. Барча хоналарда билимга чанқоқ ёшлар турли машғулотлар билан банд. Бу ерда мукаммал ахборот технологияси тизими яратилган, ёшлар билан ишлашнинг энг муҳим йўналишлари бўйича ихтисослашган марказлар ишлаб турибди. Президент асарларини ўрганиш ахборот-ресурс маркази, маданий мерос, миллий ғоя тарғиботи, миллий қадриятлар ва ижтимоий тадқиқотлар, инновациялар ва илмий-техникавий ижодиёт, ёшларни ижтимоий муҳофаза қилиш, касбга йўналтириш ва ишга жалб этиш марказлари шулар жумласидандир. Ҳар бир марказ ўзининг фаоллари ва доимий аъзоларига эга.

**2008 йил — Ёшлар йили**

Республика ва хориж ёшлари билан алоқалар ҳамда чет тилларни ўрганиш марказида Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси Бахтиёр Раҳмонов билан мулоқотда бўлдик.

— Ушбу марказ очилгандан бери мунтазам келиб тураман, — дейди у. — Компьютер дастури яхши ёрдам бераяпти. «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази вилоят бўлимида халқаро ёшлар туризми бўйича жамоатчилик асосида координаторлик ҳам қилаяпман. Бу икки ишим бирбирига яқин. Туризм учун тил билиш ҳам, халқаро алоқаларни йўлга қўйиш ҳам керак. Инглиз тили бўйича мутахассис Дилноза Алимардонова бу соҳада бизга устозлик қилаяпти. 14 та компьютер ёшлар хизматида. Интернет тизимига уланиш учун алоҳида алоқа тармоғи олиб келинган. Масофадан туриб конференц-алоқа ўрнатиш учун имконият бор.

Ёшларни иш билан таъминлаш, касбга йўналтириш «Камолот»чиларнинг бугунги долзарб вазифаларидан биридир. Шу мақсадда Ёшлар марказида олий ўқув юртлари ва коллежларда тайёрланаётган мутахассислар сони, меҳнат жамоаларидаги бўш иш ўринлари, халқ хўжалигининг турли тармоқларида яқин келажакда эҳтиёж кучаядиган касблар тўғрисидаги маълумотлар ҳам тўпланиб, таҳлил қилинмоқда. «Камолот» ҳузурида ташкил этилган касаначилик, бичиш-тикиш, компьютер саводхонлиги, тил ўрганиш тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Шаҳар ва туманларда ҳар ойда ўтказиб келинаётган бўш иш ўринлари ярмаркаларида «Камолот» энг манфаатдор томон сифатида иштирок этмоқда.

— Ёшларни ижтимоий ҳимоя қилиш фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил этади, — дейди Исломиддин Аброров суҳбатимизни давом эттириб. — Юртбошимизнинг «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, уй сотиб олиш, қуриш ва таъмирлаш учун кредит бериш бизнинг тавсиямиз бўйича амалга оширилаяпти. Айни пайтда вилоятимизда 107354 та ёш оила бор. Хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда ўтказиладиган ижтимоий сўров натижасида улардан 31994 тасининг уй-жой шароитини яхшилашга эҳтиёжи борлиги аниқланди. 355 та ёш оила имтиёзли кредит олиш учун ҳужжат топширди. Ҳозиргача фақатгина «Ипотека» банки вилоят бошқармаси томонидан 393 миллион сўм кредит берилди. Қарши шаҳрида ёш оилаларга мўлжалланган 2 та 32 хонадонли уй қурилиши бошлаб юборилди.

«**К**амолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими кенгашининг «Ёшлар йили» дастурида эътиборга молик кўплаб тадбирлар кўзда тутилган. Бу ишларни амалга оширишда вилоят Ёшлар марказининг ҳам ҳиссаси катта бўлиши шубҳасиз.

**Бўри НОРҚОБИЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Анжуманда хорижий мамлакатларнинг парламент ва омбудсманлари, жумладан, Испания Халқ ҳимоячиси билан ҳамкорлик юртимиздаги демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш жараёнларидан жаҳон жамоатчилигини хабардор қилишга, чет мамлакатлар омбудсманлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича институтлари билан алоқаларни янада ривожлантиришга катта ҳисса қўшиши қайд этилди. 2007 йилда Ўзбекистон ва Испания омбудсманлари ўртасида имзоланган ҳамкорлик тўғрисидаги битим ўзаро алоқаларнинг янада мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

# ОМБУДСМАНЛАР ҲАМКОРЛИГИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Испания Халқ ҳимоячиси Энрике Мугика Герцог Ўзбекистонда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фуқароларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотларга юксак баҳо берди.

— Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги кенг кўламли ислоҳотлар юксак самаралар бераётганига гувоҳ бўлдик, — деди Энрике Мугика Герцог. — Ўлим жазосининг бекор қилиниши бунга ёрқин мисолдир. Испания Ўзбекистонда барча соҳаларда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотларни кенг қўллаб-қувватлайди. Келгусида мамлакатингиз билан барча соҳалар қатори парламентлараро ва омбудсманлараро ҳамкорликни ҳам янада мустаҳкамлаш ниятидамиз.

Конференцияда Ўзбекистонда Омбудсман фаолияти, унинг ички ишлар идоралари, прокуратура ва суд-ҳуқуқ органлари билан инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги ҳамкорлигига оид маърузалар тингланди.

Шу куни Испания делегацияси аъзолари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари профессор-ўқитувчилари ва тингловчилари билан ҳам учрашди.

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# ИШОНЧ ВА МАНФААТ УЙҒУНЛИГИ

**пойтахтимиздаги “Интерконтиненталь” меҳмонхонасида бўлиб ўтган “Энергетика. Кимё. Машинасозлик — Industrial Expo Uzbekistan“ халқаро ва “Экспо лаборатория” деб номланган 2-Марказий Осиё ихтисослашган кўргазмаларида ўз ифодасини топди**

▼ Халқаро кўргазма



Унда Россия, Германия, Латвия, Туркия, Украина, Япония, Швеция каби мамлакатлардан 30 дан зиёд компания ва фирмалар иштирок этди.

Бу кўргазмаларнинг очилиш маросимларида сўзга чиққанлар миллий иқтисодиётимиз ривожи, унинг жаҳон иқтисодий тизимига интеграциялашуви учун барча ресурслар етарли эканлигини, ишлаб чиқаришга илғор технологиялар жалб қилинган ҳолда, улардан оқилона фойдаланилаётгани ҳамда хорижий инвесторлар учун қулай шарт-шароит яратилганлиги ўз самарасини бераётганини айтиб ўтишди. Кимё саноати корхоналари томонидан 2007 йилда 30 млн. АҚШ долларидан зиёд маҳсулот экспорт қилингани, устувор лойиҳага кўра, яқин келажакда бир қатор янги кимё корхоналари ишга туширилиши бунинг тасдиғидир.

Кўргазма павильонларидан жой олган экспонатлар ранг-баранглиги, жумладан, энергетика соҳасида қўлланиладиган энг сўнгги русумдаги назорат-ўлчов асбоблари, энергоиншоотни бошқаришнинг автоматлаштирилган тизимлари, кимё саноати учун хом ашё ва ускуналар, технологиялар, экструдер ва экструзион қурилмалар, компрессорлар иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди.

“Экспо лаборатория”нинг аҳамияти ҳақида. У Марказий Осиёда ушбу соҳани кенг қамраб олган ягона кўргазмадир. Шунинг учун павильонларда намойиш этилган энг замонавий лаборатория жиҳозлари, назорат-ўлчов асбоблари, кимёвий реактивлар ва лабораториялар учун бутловчи қисмларнинг стендлари олдида соҳага дахлдор мутахассисларни кўпроқ учратиш мумкин эди.

Эътиборлиси шуки, кўргазмалар маҳсулотлар олди-сотдиси ва хизматлар кўрсатиш бўйича қизғин музокараларга бой бўлди. Истиқболли ҳамкорлик борасида кўплаб битим ва келишувларга эришилди.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

**СУРАТДА:** кўргазмадан лавҳа.

**Темур ҚУРБОНБОЕВ**
**олган сурат.**

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР ЭЗГУЛИК

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мақбара девори зангори, ҳаворанг ва оқ сирли кесма кошинлар, мармар, оникс ва гранит тошлар билан қопланган. Кошинлар гириҳ усулида терилган. Орасида безакка мос арабий хатда ҳадислар битилган. Мақбара марказида оқиш-кўк шаффоф оникс тошидан ишланган сағана ўрнатилган. Мақбаранинг ўнг томонидаги эшикдан зина орқали остки қаватга — даҳмага тушилади. Бу ерда юқори қаватдаги сағананинг айнан остида Имом Бухорий жасадлари қўйилган мармартошли қабр жойлашган.

Айтиш жоизки, зиёратгоҳ ҳовлисининг чап тарафидаги шинам ва ораста масжидда 1500 киши ибодат қилиши мумкин. Ҳовлининг ўнг томонидаги кутубхона, музей — зиёратчилар билан доимо гавжум. Кутубхонада Қуръони каримнинг ноёб қўлёзмалари, Имом Бухорий қаламига мансуб асарлар сақланса, музейда Имом Бухорий ҳаёти ва фаолиятига оид манбалар, ашёлар билан бир қаторда, Юртбошимизга 1992 йили Саудия Арабистони подшоси Фаҳд ибн Абдулазиз томонидан туҳфа қилинган — Каъбатуллоҳнинг муқаддас ёпинчиғи, кисво — каъбапўш парчаси мавжудлиги кўпчиликни ўзига жалб этади.

Имом ал-Бухорий ёдгорлик мажмуидан йил бўйи мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан орзиқиб, ошиқиб, қалби қувончга тўлиб келаётганларнинг сафи узилмайди. Ер юзининг узоқ-яқин бурчакларидан ташриф буюраётган олий мартабали меҳмонлардан тортиб, ихлосманд зиёратчиларгача — Имом ал-Бухорий қабрларини зиёрат қилиш сўнгида бу эзгулик мажмуасини бунёд этишда бош-қош бўлган Юртбошимизга таҳсинлар ўқимоқдалар, ҳақларига дуолар қилмоқдалар.

Қолаверса, ушбу мунаввар эзгулик мазмуни Президентимиз томонидан тафаккур машъаласидай хулосаланган: “Бу муаззам ёдгорлик мажмуи шунчаки зиёратгоҳ эмас, балки Аллоҳ назари тушган гўзал Ўзбекистонимизни бутун дунёга танитадиган, ёш авлодни эзгулик руҳида тарбиялайдиган, ҳар бир инсонни ҳаёт ва абадият ҳақида ўйлантирадиган маскан бўлиб қолади.”

Яқинда Президентимиз Ислом Каримов Имом Бухорий мажмуига ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари бу ерда Имом Бухорий номидаги ҳадис илми маркази ўқитувчи ва талабалари билан суҳбат қурди. Ушбу ўқув марказини такомиллаштириш, таълим ва тарбия жараёнини чуқурлаштириш, талабаларнинг илм олиш ва яшаш шароитларини янада яхшилаш юзасидан тавсиялар берди.

Маълумки, маънавият ганжиналарини юлдузларга тўла каҳкашонга қиёслашади. Аслида бу ганжинада кўнгиллар юлдуздай, тафаккур унинг чексиз фазосидай. Бинобарин, Юртбошимиз обод қилган ушбу маънавият ганжинасида 565 ёшли улкан дарахт атрофидан ниҳоллар униб чиқди. Таъбир жоиз бўлса, эзгулик мангуликка дахлдорлиги ана шу тимсолда ифода топиб турибди.

**Абдували ҚУТБИДДИНОВ,**
**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# «КУМУШ ТОЛА» МЎЛ БЎЛУР

**БУГУННИНГ ГАПИ**

***Мамлакатимиз пиллачилари бу йил 23430 тонна юқори сифатли пилла етиштириш мақсадида ипак қурти парваришига киришдилар. Шартномаларга кўра, 98 минг 665 та фермер хўжалигига 448 минг 614 қути ипак қурти уруғи тарқатилаяпти. Унинг ярмидан кўпроғи, яъни 55 фоизи “Ўзбекистон-5”, “Ўзбекистон-6”, “Ипакчи-1”, “Ипакчи-2” каби маҳаллий зот уруғлари бўлса, қолган қисми хорижникидир. Фарғона водийси вилоятларида булардан ташқари, жорий йил давлат реестрига киритилиб, районлаштирилган “Иқбол-1”, “Иқбол-2” ипак қурти уруғидан 200 қутиси парваришланмоқда.***

**Я**нги зотнинг афзалликлари кўп. Аввало, ипакчанлиги ва ҳаётчанлиги юқори, касаллик ҳамда ташқи таъсирларга чидамли. Шунингдек, унинг ҳар қутисидан ўртача 55-60 килограмм ва ундан ҳам зиёд сифатли ҳосил олиш мумкин.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераккки, Президентимизнинг 2006 йил 15 ноябрдаги “Республика пиллачилик тармоғини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилингач, пиллачилик ва ипакчилик тармоғида бутунлай янги ҳаёт бошланди. Биринчи навбатда, ипак қурти боқувчиларнинг моддий манфаатдорлиги оширилди. Хусусан, “Ўзбекенгилсаноат” давлат акциядорлик компаниясидан маълум қилинишича, 2008 йил пилла етиштирувчиларга 9 миллиард 913 миллион сўм пул бўнак тариқасида берилади. Қолган қисми маҳсулот топширилгандан кейин тўлиқ ҳисоб-китоб қилинади. Тайёрлов корхоналарига эса мавсумолди ташкилий-таъминот масалалари учун 3 миллиард 208 миллион сўм ажратилди.

Қарор асосида мавжуд 17 та уруғчилик корхонаси босқичма-босқич замонавийлаштирилаётган бўлса, хориж инвестициясини жалб қилиш эвазига янги ипакчилик корхоналари бунёд этилаётир. Масалан, ўтган йилларда Наманган ипак қурти уруғчилиги ҳамда Тошкентдаги “Рос-Грен-Текс” Ўзбекистон — Хитой — Россия қўшма корхоналари замонавий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланиб, маҳаллий ипак қурти уруғидан хориж технологияси асосида уруғ етиштириш ўзлаштирилди. 4,9 миллион АҚШ доллари миқдорида тўғридан-тўғри чет эл инвестицияси жалб этилиб, 7 та замонавий ипакчилик корхонаси ишга туширилди. Натижада табиий ипак ишлаб чиқариш қуввати 377, ипак калава тайёрлаш эса 90 тоннага кўпайди. Пировардида 2007 йили 18,2 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланиб, олдинги йилдагига нисбатан 153 фоиз ўсишга эришилди. Шунингдек, 115,7 минг квадрат метр шойи газлама тайёрланди. Қувонарлиси, бу маҳсулотларнинг экспорти 22,2 миллион АҚШ доллари миқдорига етказилиб, 123 фоиз ўсиш таъминланди. Жорий йилда яна 3 та корхона ишга туширилиши эвазига кўрсаткичлар кескин ошади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг пиллачиликни ривожлантириш бошқармаси мутахассисларининг айтишича, мавсумга барвақт ва пухта тайёргарлик кўрилгани боис ишлар кўнгилдагидек кетаяпти. Чунки топшириққа кўра, 4486 та инкубатория танланиб, зарур ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. Натижада керакли миқдорда ипак қурти уруғлари ўз вақтида жонлантирилиб тарқатилди. Мавсумга жалб этилган агроном ва қурт боқувчилар учун ўқув-семинарлар ташкил этилиб, соҳа сир-асрорлари билан яна бир бор таништирилгани, уларнинг талабидан келиб чиққан ҳолда, зарур миқдорда тўшама қоғоз, бўз, фармалин ҳамда термометр, психометр етказиб берилгани бунда бош омил бўлмоқда.

Бироқ “Барг танқислиги бўлмасмикан?” деган хавотир ҳам йўқ эмас. Негаки, қаттиқ келган қиш совуғи тутзорларга зарар етказган бўлиши мумкин-да. Тутзорлар ҳолати ва ривожини ўрганиб, таҳлил қилган мутахассисларнинг фикрича, хавотирга ўрин йўқ. Гарчи бу йил қиш об-ҳавоси совуқ келган бўлса-да, асосий тут плантацияларига зиён етмаган. Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Бухоро вилоятларидаги эртаги тут навларининг учларига қисман таъсир қилган, холос. Лекин баҳор фаслининг ўтган йилдагига нисбатан 1,5-2 ҳафта эрта, об-ҳавоси қулай келганлиги туфайли тутлар ривожи ниҳоятда яхши. Чунки мавжуд 55 минг гектардан зиёд тутзор ҳамда якка қаторлардаги 77,3 минг туп тут дарахтининг парвариши обитобида олиб борилаяпти. Бу керакли миқдорда барг олиш имконини беради.



Айтганча, бу йил 5400 гектар майдонда тут плантацияси ташкил этиш белгиланган эди. Кўкламги экин-тикин мавсумида шунинг 2609,8 гектарида тутзорлар ҳосил қилинди. Бундан ташқари, йўл бўйлари, ариқ ёқаларига 6055,9 минг туп тут кўчати қадалди. Улар ҳам ҳадемай, ипак қурти учун озуқа — барг бера бошлайди. Бу юқори сифатли пилла, жаҳон бозорида харидоргир ипак, кўзларни қувонтирувчи мато тайёрлаш сари қўйилган муҳим қадамдир.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Чжан ДЭГУАН:

# «Қалбимда халқингизга нисбатан илиқ ва дўстона ҳислар мужассам»

***Бир неча кун давомида мамлакатимизда Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик уюшмаси раиси Чжан Дэгуан бошчилигидаги ХХР делегацияси меҳмон бўлди. Ўз юртига қайтиш олдидан жаноб Дэгуан «Жаҳон» ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатлашди.***

***— Ўтган йиллар давомида Сиз мамлакатимизга бир неча бор ташриф буюргансиз. Илтимос, бу галги сафарингиздан кўзланган мақсад тўғрисида сўзлаб берсангиз.***

— Ҳақиқатдан ҳам, мен гўзал ва меҳмондўст Ўзбекистон заминида бир неча бор бўлганман. Аксарият ҳолларда ХХР ташқи ишлар вазирининг Хитой-Ўзбекистон муносабатларини мувофиқлаштириш учун масъул бўлган ўринбосари ёки Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг ижрочи котиби сифатида келганман.

Айни пайтда Хитойнинг Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик уюшмаси раиси сифатида фаолият юритяпман. Бундан ташқари, Евроосиё иқтисодий форуми ҳамда Хитой Халқаро муаммоларни тадқиқ этиш жамғармасига раҳбарлик қиляпман. Жамғармамиз илмий йўналишга ихтисослашган бўлиб, муҳим халқаро муаммоларни ўрганувчи хитойлик олимлар билан бир қаторда халқаро экспертларни ҳам ўз атрофида бирлаштирган.

▼ Дунё нигоҳи

Ўзбекистон Хитойда Марказий Осиё мамлакатлари билан дўстлик уюшмаси ташкил этилганидан сўнг унинг вакиллари сафар уюштирган илк мамлакат бўлди. Ташрифдан мақсад — ҳамкасбларимиз, хусусан, Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари кенгаши билан тўғридан-тўғри алоқаларни ўрнатишдир.

Ўзбекистон заминида ўтказган учрашувларимиз самарали бўлди. Ташриф доирасида юқорида айтиб ўтилган кенгаш раҳбарияти билан музокаралар ўтказдик. Унда иқтисодиёт, савдо, таълим, маданият ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликни жадаллаштириш, шаҳарларимиз ўртасидаги шериклик муносабатлари кенгайишини қўллаб-қувватлаш, олий ўқув юртлари ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш, талабалар ўртасидаги илмий алоқаларни йўлга қўйишга келишиб олинди. Биз ўз ҳукуматларимизга мазкур йўналишлардаги алоқаларни жадаллаштиришда яхши кўмак бўлиб хизмат қилишимиз мумкин.

***— Хитой билан Ўзбекистон ўртасидаги ҳамкорликнинг ҳозирги аҳволи ҳақида нима дея оласиз? Ўзаро муносабатларимизнинг истиқболларини қандай баҳолайсиз?***

— Мамлакатларимиз ўртасидаги сиёсий муносабатлар анчайин юқори даражада. Дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 17 йил давомида сиёсий соҳадаги ҳамжиҳатлик ва ишонч тобора мустаҳкамланиб бормоқда.

Хитой Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт йўли ва дўстона қўшничилик муносабатларини қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимизда юртингиз танлаган сиёсий ва иқтисодий тараққиёт моделига катта ҳурмат билан қарайдилар. Ўз тараққиёт йўлини танлаш – ўзбек халқининг ҳуқуқи эканига ишончимиз комил.

Умид қиламанки, мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик жадал суръатда ривожланишда давом этаверади. Хитой Ўзбекистон иқтисодиётига киритилаётган сармоялар ҳажмини ошириш ва иқтисодий ҳамкорлик кўламини кенгайтиришга тайёр. Жумладан, ташриф давомида биз қурилиш материалларини ишлаб чиқариш бўйича қўшма корхоналар ташкил этиш имкониятларини кўриб чиқдик. Ўзбекистон иқтисодиёти ривожлангани сайин капитал қурилиш ҳажми ҳам ошиб боради. Бу эса қурилиш материалларига бўлган талаб юксалади, деганидир.

Шу ўринда биз фақатгина савдо-сотиқ билан чекланиб қолмаслигимиз ҳам муҳим аҳамият касб этади. Биз ўзаро манфаатли асосда турли соҳаларда кўп томонлама ҳамкорлик қилишга тайёрмиз.

Илм-фан, маданият ва таълим соҳаларидаги саъй-ҳаракатларимизни бирлаштириб, кенг кўламли ишларни амалга оширишимиз мумкин. Бу жараёнда уюшмамиз фаолияти ҳам муҳим ўрин тутади.

Ўзбекистонда кўп бора бўлганим учун уни яхши биламан. Қалбимда халқингизга нисбатан илиқ ва дўстона ҳис-туйғулар мужассам.

Хитой халқи ва жамоатчилиги номидан Ўзбекистон ўзи танлаган йўлда улкан муваффақиятларга эришишини тилаб қоламан, амалга оширилаётган ислоҳотларингиз ўз самарасини бераверсин. Ўзбекистон халқига омад, бахт ва фаровонлик доимо ҳамроҳ бўлсин!

**Б. МАМАЖОНОВ суҳбатлашди. «Жаҳон» АА.**

KAPITALBANK

***Бугунги кунда «Капиталбанк» АТБ мамлакатимиз молия-кредит муассасалари ўртасидаги расмий рейтингда мустаҳкам ўрин эгаллаган. Унинг ҳисоб рақамларидаги маблағлар фойда келтирмоқда.***

# АҲОЛИ ДЕПОЗИТЛАРИГА АЛОҲИДА ЭЪТИБОР




— Банкимиз ўз тараққиётининг ҳозирги босқичида аҳоли депозитларини жалб этишга алоҳида эътибор қаратмоқда, — дейди Чакана бизнесни ривожлантириш департаменти директори ўринбосари Бахтинур Нурмуҳамедов. — Унинг марказий офисида ва филиалларида мижозларга миллий ва чет эл валютасидаги омонатларни қабул қилиш бўйича хизмат кўрсатиш учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Жамоамиз эришилган муваффақиятлар билан кифояланиб қолмасдан, жаҳон андозаларига интилган ҳолда, мунтазам равишда таклиф этилаётган банк хизматларининг жозибадорлигини ошириш устида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг яқинда эълон қилинган «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони, айниқса, аҳоли пул маблағларини омонатларга жалб этиш жараёнини жонлантиришга хизмат қилмоқда. Ушбу ҳужжат доирасида яратилган қонунчилик асоси мамлакатимизнинг ҳар бир фуқаросига банкда ўз депозит ҳисобрақамини очиш, унга пул маблағлари келиб чиқиши манбаларини тасдиқлайдиган ҳужжатларни тақдим этмаган ҳолда, миллий ёки чет эл валютасидаги исталган суммани қўйиш имконини беради. Бунда банк ўз омонатчиларига банк сирининг сақланишини, шунингдек, депозит қўйилма муддати тугагач, пул маблағлари ўз вақтида қайтарилишини таъминлайди.

▼ Фармон ва ижро

Мижозларимиз пул омонатларини шахсий ҳисобварақларига нақд пул шаклида ёки хорижий банклардаги шахсий ҳисобварақларидаги маблағларни ўтказиш орқали киритишлари мумкин. «Капиталбанк» АТБ нинг хорижий банкларда очилган вакиллик ҳисоб рақамларининг кенг тармоғи молиявий амалиётларни бажаришга ёрдамлашади. Ҳатто кўп миқдорда жамғармага эга одам ҳам маблағларини ишончли ва манфаатли сақлаш устида фикр юритади. Кўплаб ватандошларимиз бу саволга жавобни «Капиталбанк» АТБдан топишлари мумкин.

Бундан ташқари, мамлакатимиз молиявий муассасалари билан ҳамкорлик омонатчиларга маънавий қониқиш ҳосил қилиш имконини беради, уларда ватанпарварлик ва Ватанга муҳаббат туйғуларини тарбиялайди. Зеро, банкка қўйиладиган пул маблағлари иқтисодиётимизни ривожлантиришга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, «Капиталбанк» АТБ динамик тарзда ривожланиб, етти йиллик фаолияти давомида аҳоли пул маблағларини сақлайдиган ишончли банкка айланиш билан бирга, республикамиз саноатчилари ва тадбиркорларига банк кредитларини ажратгани ҳолда, ишончли шерик бўлишга эришди.

«Капиталбанк» акциядорлик тижорат банки жамоаси бундан кейин ҳам аҳолининг Ўзбекистон Республикаси банк тизимига бўлган ишончини мустаҳкамлаш борасида олиб бораётган фаолиятини изчил давом эттираверади.

**Ў. ИКРОМОВ.** t


КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР ДИҚҚАТИГА!

«НАВОИЙ ИССИҚЛИК ЭЛЕКТР СТАНЦИЯСИ» ОАЖ

«Сувни кимёвий тозалаш иншооти» объекти учун пўлат қувурлар сотиб олиш бўйича

**танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**Ишларни тугаллаш муддати** — 1 ой.
**Буюртмачи** — «Навоий иссиқлик электр станцияси» ОАЖ.
**Жойлашган манзили:** Навоий вилояти, Кармана тумани, «Янги ариқ» ҚФЙ.
**Лойиҳани молиялаштириш** корхонанинг ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб бериши керак: *танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг мавжудлиги ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ва мутахассислар захираларининг мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларига, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ва ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.*

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Навоий вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

**Навоий шаҳри, С. Айний кўчаси, 32-уй. Телефон: (436) 225-53-85.**

*Ҳужжатларнинг бир тўплами (комплект) қиймати — 60 000 сўм.*

*Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Таклифлар (оферталар) очилиши эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин ўтказилади.*


# КУН ТАРТИБИДА ҲУҚУҚ ТАРҒИБОТИ

***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида “Жамият аъзоларининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда ОАВнинг ўрни ва аҳамияти” мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

Ташкилотчиларнинг маълум қилишича, мазкур тадбирни ўтказишдан мақсад, оммавий ахборот воситаларида ёритилаётган адлия тизимига оид материалларнинг сифатини яхшилаш, тизим ахборот хизматлари ходимлари малакасини ошириш ҳамда ОАВ билан ўзаро ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қаратилган. Мамлакатимизда қабул қилинаётган

▼ Тадбир

қонунлар, ҳаётга татбиқ этилаётган ҳуқуқий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти, аҳамиятини аҳолига, айниқса, олис ҳудудларда истиқомат қилаётган кишиларга етказишда улар кучидан самарали фойдаланиш талаб этилади. Бунда, журналистларнинг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамжиҳатликда иш олиб боришлари муҳимлиги қайд этилди.

**Шавкат ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***Фарғона Политехника институтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари билан талабалар ўртасида мулоқот бўлиб ўтди.***

Унда ёшлар орасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш, уларни турли салбий таъсирлар доирасига тушиб қолишига йўл қўймаслик масалалари хусусида сўз борди. Олий Мажлис Сенати аъзоси, Вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи Т. Худойберганов ушбу мавзуда маъруза қилди.

Мулоқот савол-жавобларга, мунозарага бой бўлди. Талабаларни қизиқтирган саволларга ички ишлар, прокуратура, адлия, суд идоралари раҳбарлари батафсил жавоб қайтардилар.

**Собир НАБИЖОНОВ.**


Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 7 мартдаги «Автомототранспорт воситаларини сотиб олиш, улардан фойдаланиш ва уларни бошқа шахсга беришни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан, бошқа шахсга берилиши тақиқланган ва хатлаб қўйилган автомототранспорт воситаларининг электрон маълумотлар базасини яратиш бўйича «Техник топшириқ» ва «Дастлабки техник-иқтисодий ҳисоб»ни ишлаб чиқиш мақсадида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

**ЭНГ ЯХШИ ТАНЛОВ ТАКЛИФЛАРИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

*Таклифлар 2008 йил 1 майгача қабул қилинади.*

**Манзил: Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 5-уй.**
**Мурожаат учун телефонлар: (371) 236-17-33, 233-73-11.**
**e-mail: info@minjust.gov.uz веб-саҳифа: www.minjust.uz**

«ЎЗБЕКНЕФТГАЗ» МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
«ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

ШЎРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

**қуйидаги автокранларни сотиб олиш бўйича 01/08-сонли тендер савдосини эълон қилади:**

**Лот № 1.** 40 тонналик автокран — 1 та.
**Лот № 2.** 100 тонналик автокран — 1 та.

Тендер муддати — эълон матбуотда чоп этилгандан бошлаб 30 кун.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин.

*Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180100, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ғузор тумани, «Шўртан» қўрғони.*
*Тел.: (998 75) 780-85-72.*
*Факс: (998 75) 221-09-04, 221-08-46.*
*Электрон почта: sgcc@sgcc.uz*

*Ҳурматли вазирлик, идора, хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ҳамда тадбиркорлар!*

«Toshkent rangli metall parchalari va rezgi-chiqitlarini tayyorlash va qayta ishlash zavodi» ОАЖ

жорий йилнинг 23 апрель куни тармоқ саноат ярмаркасини ўтказади.

Ярмаркада «Toshkent rangli metall parchalari va rezgi-chiqitlarini tayyorlash va qayta ishlash zavodi» ОАЖда Маҳаллийлаштириш дастури бўйича ишлаб чиқарилган ҳамда ишлаб чиқаришга режалаштирилган маҳсулотлар намойиш этилади.

Алюмин қотишмалари ва қуйилмалари, рангли металл парча ва чиқиндилари, сирланган сим, аккумуляторлар, латунь, бронза қотишмалари, латунь ҳамда бронзадан ишланган жиҳозлар ва ҳоказолар.

Бошланиш вақти – соат 10.00 да.
Иштирокчиларни рўйхатга олиш – соат 9.00 дан 10.00 гача.



**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Сирғали тумани, Жанубий саноат зонаси, «Toshkent rangli metall parchalari va rezgi-chiqitlarini tayyorlash va qayta ishlash zavodi» ОАЖ.**
**Телефонлар: 8 (371) 258-80-01, 258-81-14.**
**Факс: 8 (371) 258-89-03.**

*Мебель ва саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи ташкилотлар ва хусусий тадбиркорлар диққатига!*

FAYZ

**2008 ЙИЛ 21-25 АПРЕЛЬ КУНЛАРИ**

**«Файз» холдинг компаниясининг «Мебелкўргазмасавдо» биносида мебель ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хом ашё ва бутловчи маҳсулотларни харид қилиш бўйича республикамиздаги етакчи корхоналарнинг тармоқ**

**САНОАТ ЯРМАРКАСИ ВА КООПЕРАЦИОН БИРЖАСИ бўлиб ўтади.**

**Ярмарка соат 10.00 дан 17.00 гача ишлайди.**

**Барча хоҳловчилар, манфаатдор корхона ва ташкилотлар вакиллари таклиф этилади.**



**Тармоқ саноат ярмаркасини ўтказиш манзили:**
**Тошкент шаҳри, Сирғали-3 даҳаси, Массон кўчаси, 1-уй, «Мебелкўргазмасавдо» биноси.**
**Тел.: 258-03-93, 258-12-22, факс: 258-12-24.**

NBU

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИҚТИСОДИЙ ФАОЛИЯТ МИЛЛИЙ БАНКИ**

***UPS ва дизель-генераторлар учун эҳтиёт қисмлар, шунингдек, UPS учун аккумулятор батареялари етказиб бериш бўйича очиқ танлов эълон қилади.***

**Тижорат таклифлари 2008 йил 10 майга қадар қабул қилинади.**

**Қўшимча маълумотларни олиш учун Абдуҳакимов Абдуқаҳҳор Абдумажитовичга мурожаат қилинсин.**

**Мулоқот учун телефонлар:**
**249-65-85, 249-64-27, 238-56-50.**
**Факс: 234-92-18, 249-62-18.**

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


«Мева-Шарбат» боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-ишлаб чиқариш корпорацияси ва Р. Р. Шредер номли илмий-текшириш институти жамоалари корпорация бош ҳисобчиси Икром Юнустоевга акаси

**Ниғмат ЮНУСТОЕВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Спорт • Sport • Спорт

# ХАЛҚАРО МУСОБАҚА ОЛДИДАН

***Қарши шаҳрида имконияти чекланган болалар ўртасида ўтказиладиган мини-футбол бўйича халқаро турнирга қизғин тайёргарлик кўрилмоқда.***

Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон футбол федерацияси, Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси ташаббуси билан "Ёшлар йили" Давлат дастури ижросини таъминлаш, ногирон болалар ўртасида соғломлаштириш, спорт ва маданий тадбирларни амалга ошириш мақсадида ўтказилаётган мини футбол бўйича халқаро турнир мусобақаларида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташқари Марказий Осиё давлатлари ҳамда Озарбойжондан ҳам жамоалар иштирок этади.

Ёшларни маънавий-жисмоний жиҳатдан чиниқтиришда, соғлом авлодни вояга етказиш ва уларнинг жамиятдаги ўрнини мустаҳкамлашда спорт муҳим аҳамиятга эга. Мамлакатимизда ёш авлодни спортга кенг жалб этиш, уларнинг саломатлигини муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Спорт ёшларимиз дунёқараши ва ҳаётига янгича мазмун олиб кираётир.

Ўзбекистон Махсус Олимпиадаси томонидан иккинчи марта имконияти чекланган болалар ўртасида ташкил этилаётган мусобақа Қарши шаҳрида ўтказилиши бежиз эмас. Бу ерда қадимий шаҳарнинг 2700 йиллик юбилейи муносабати билан халқаро стандартларга жавоб берадиган кўплаб спорт иншоотлари бунёд этилди. Ёшлар, айниқса, хотин-қизлар ўртасидаги спорт мусобақаларини намунали ўтказиш учун барча шарт-шароит мавжуд.

— Мазкур спорт байрамига пухта ҳозирлик кўрилмоқда, — дейди Қашқадарё вилояти ҳокимлиги матбуот хизмати бошлиғи Собир Эгамбердиев. — Мусобақа қатнашчилари ва меҳмонларни кутиб олиш, уларга транспорт, коммунал, савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш, мусобақалар ўтказиладиган спорт иншоотлари ва мусобақа қатнашчилари яшайдиган жойларнинг тозалиги ҳамда озиқ-овқат сифатини назорат қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Турнирни оммавий ахборот воситаларида тезкор ва кенг ёритиш мақсадида матбуот маркази ташкил этиляпти. Қарши шаҳридаги спорт иншоотларида, мусобақанинг тантанали очилиш маросими ўтказиладиган амфитеатрда безаш ишлари якунланмоқда.

**А. МУҲАММАДИЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

# «НАВРЎЗБУЛОҚ»ДА МОТОКРОСС БАҲСИ

***Жиззахдаги «Наврўзбулоқ» пойгагоҳида мотокросс бўйича республика чемпионатининг III босқич мусобақалари бўлиб ўтди.***

**Икки кун давом этган чемпионатда сурхондарёлик Н. Намозов, Навоий вилоятидан Д. Лимар, майдон эгаларидан М. Галиев, Тошкент шаҳри вакили В. Шевелев, жуфтлик пойгада Навоий шаҳри спортчилари В. Лавров ҳамда Т. Исоқов ғолиб чиқишди.**

**Умумжамоа ҳисобида Тошкент шаҳри, клублар ўртасида эса Навоий кон-металлургия комбинати клуби ғалаба қозонди.**

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Гимнастикачи қизларга туҳфа

***Жомашўй шаҳарчасида яшовчи қизлар бадиий гимнастика машғулотлари билан шуғулланиш учун яхши имкониятга эга бўлдилар.***

Мингбулоқ туман давлат солиқ инспекцияси ўзининг йўлдош биносини Ёшлар йилининг туҳфаси сифатида спортнинг мазкур тури иштиёқмандларига тортиқ этди.

Бинони замонавий гимнастика залига айлантириш ишига тумандаги қатор корхона ва муассасалар ўз ҳиссасини қўшди. Зарур жиҳозлар билан таъминланган иншоотда бир йўла 200 нафарга яқин ёшлар нафосат машғулотларини ўтказа оладилар.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

***Умид билан фарзанд ўстираётган қайси ота-она унинг соғлом ва баркамол бўлишини истамайди дейсиз! Не бахтки, ана шу истак бизда давлат аҳамиятига молик даражага кўтарилган. 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган ҳукумат мажлисида Юртбошимиз тилга олган мана бу рақамларга эътибор қилинг: 2007 йилнинг ўзида юртимизда 170 та болалар спорти объекти, жумладан, 27 та спорт иншооти, 143 та мактаб спорт зали барпо этилди.***

***Муҳими, бу объектлар шунчаки, хўжакўрсинга эмас, балки энг замонавий русумда, жаҳон андозаларига мос лойиҳалар асосида қурилганлигидадир. «Болалар спорти соҳасидаги изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар, — дедилар ушбу мажлисда Президентимиз, — миллионлаб фарзандларимизни жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб қилиш имконини бермоқда.***

***Бу эса, ҳеч шубҳасиз, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашда ўзининг ижобий таъсирини кўрсатмоқда».***



# УМИД НИҲОЛЛАРИ

Маълумки, бундан беш йил аввал Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ташкил этилган эди. Ўтган даврда жамғарма томонидан болалар спортини оммалаштириш, мактаблар, ўқув юртлари, шаҳар, қишлоқ, маҳалла, кўчаларда спорт тадбирлари ўтказилиши билан бирга, болалар учун замонавий спорт иншоотлари барпо этишга бирламчи эътибор қаратилди. Жамғарманинг барча вилоятларда минтақавий филиаллари ташкил этилган бўлиб, биргина Сирдарё вилоятининг ўзида жамғарма маблағи ҳисобидан 2008 йилга қадар жами 5 миллиард 200 миллион сўмлик 38 та спорт объекти қурилганлиги (ёки мукаммал реконструкция қилинганлиги) бу ишнинг кўлами нақадар катта эканлигини тасаввур қилиш имконини беради.

«Умид ниҳоллари» мусобақалари вилоятларда, шаҳар ва туманларда болалар спортини оммалаштиришнинг синалган воситасига айланди. Айниқса, болаларнинг бу ўзига хос Олимпиадасини марказда эмас, вилоятларда ўтказиш тажрибаси спортни ҳар бир хонадоннинг моддий ва маънавий эҳтиёжига айлантириш борасида қўйилган муҳим қадам бўлди. Навбатдаги — «Умид ниҳоллари-2009» беллашувлари қўриқ Сирдарё воҳасида ўтказишга қарор қилинганлиги бунинг ёрқин мисолидир.

Жамғарманинг 2007 йилдаги асосий вазифаси янги спорт иншоотлари қуриш, баъзи эскирган иншоотларни реконструкция қилиш, мактабларга қўшимча спорт заллари қуриш ва уларни замон талаблари асосида жиҳозлашдан иборат эди. Манзилли дастурга кўра, Боёвут, Мирзаобод, Сайхунобод, Сардоба, Сирдарё ва Ховос туманларидаги биттадан мактабда замонавий спорт заллари қурилиб, фойдаланишга топширилди. Ушбу спорт залларини қуриш ва жиҳозлашда энг ривожланган давлатларда қўлланилувчи материаллардан фойдаланилаётгани диққатга сазовордир. Чунончи, уларнинг пол қопламалари учун хориждан келтирилган махсус резина-каучук материаллари ишлатилди. Жами 700,4 миллион сўм сарфлаб қурилган бу объектлар 72 миллион сўмлик жиҳоз билан таъминланди. Бу ҳали ҳаммаси эмас. Якунланган йилда жамғарма маблағи ҳисобидан Гулистон шаҳридаги Бокс саройи реконструкция қилинди, шаҳар марказий стадиони реконструкциясига киришилди, шаҳарнинг 4-мавзеида энг замонавий (4-типдаги) спорт мажмуаси қурилиши бошлаб юборилди. Марказий стадион сиғимини 5 минг томошабинга кенгайтириш ва 20 минг томошабинга мослаштириш, тепасини ўзига хос айвон билан гир айлантириб ўраш, ўнлаб зарур қўшимча хоналар қуриш мўлжаллангандир.

▼ Болалар спорти

Мана бу рақамларга эътибор беринг-а: реконструкция тугалланганда, бу объектда 1 миллиард 800 миллион сўмлик, спорт мажмуаси қурилишида эса 2 миллиард 310 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган бўлади.

2008 йилда ушбу қурилишларни давом эттириш билан бирга вилоят марказида лойиҳа қуввати 1 миллиард 827 миллион сўмлик 2 та спорт мажмуаси, туманлардаги 6 та мактабда умумий қиймати 780 миллион сўмлик қўшимча спорт заллари ва бошқа объектлар қуриш кўзда тутилди. Манзилли дастурга кўра, қурилиши мўлжалланган бу объектлар учун 2007 йил 20 декабрь куни тендер танловлари ўтказилиб, ғолиб пудратчи ташкилотлар аниқланди.

Умуман, 2008 йил мобайнида жамғарма объектларида 3 миллиард 561 миллион сўмлик қурилиш ишлари бажариш режалаштирилган.

Вилоятда болалар спортининг моддий базасини мустаҳкамлаш ишлари фақат йирик спорт иншоотлари қуриш билангина чекланмайди. Шаҳар ва туманларда, қишлоқ, маҳалла, кўчаларда ҳашар йўсинида спорт майдончалари, сузиш ҳавзалари бунёд этилади. Вазиятни аниқ тасаввур қилиш мақсадида, аввало, барча маҳаллалардаги болалар сони, мавжуд спорт майдончаларининг рўйхати тузилди. Шунга кўра, вилоят маҳаллаларида 210 та спорт майдончаси борлиги маълум бўлди. Яна кўплаб болалар спорт майдончаларини ташкил этиш режаси тузилиб, бу режа вилоят ҳокимлиги томонидан тасдиқланди. Ҳозирги кунда режага киритилган барча майдончаларда қурилиш ишлари бошлаб юборилди. Бу майдончалар учун лозим миқдорда қўл тўпи, футбол, баскетбол, волейбол тўплари ва бошқа анжомлар ажратилди. Бундан ташқари, вилоят шаҳар ва туманларининг ҳар бирида 2 тадан янги футбол майдони ва 1 тадан сузиш ҳавзаси қурилиши режалаштирилди.

Қурилишдан мутлақо бехабар одам ҳам бу санаб ўтилган иншоотларни қуриш ўз-ўзидан бўлмаслигини яхши билади. Бироқ мақсад улуғворлиги, бу саъй-ҳаракатлар фарзандларимиз, уларнинг келажаги учун хизмат қилажагини назарда тутсак, барпо бўлажак иншоотлар, шак-шубҳасиз, беқиёс самара беради. Ҳозирнинг ўзида ишонч билан айтишимиз мумкинки, болалар спорти вилоятда ҳар қачонгидан кўра оммавий тусга кирди. Агар мактаблар, ўқув юртларидаги машғулотларни чиқариб ташлаган вақтимизда ҳам бугунги кунда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган ўқувчиларнинг 24,5 минг нафардан ортиғи дарсдан ташқари жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, 2007 йилнинг ўзида 17 ёшгача бўлган болаларнинг 55 нафари спортнинг турли йўналишлари бўйича Осиё чемпионатлари, халқаро турнирлар, Республика мусобақалари ғолиблари бўлди. Бултур март ойида Тошкентда ўтказилган Осиё биринчилигида сайхунободлик 9 нафар ёш шашкачи 1-3 ўринларни олганлиги, учрашувларнинг энг ёш қатнашчиси ўн яшар Санжар Раҳимов эса ғолиблик шоҳсупасини эгаллаганлиги фикримиз далилидир. Бундан ташқари, Гулистон туманининг ёш каратэчилари Мирза Шодмонқулов, Акромхўжа Луқмонхўжаевлар Ҳиндистонда, ховослик белбоғли кураш усталари Бахтиёр Ҳамроев ва Ҳамза Маматовлар эса Паркент шаҳрида ўтказилган халқаро турнирларда мутлақ ғолиб бўлишгани каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бундай саъй-ҳаракатларни спортнинг барча соҳаларида кўришимиз мумкин. Айниқса, енгил атлетика, белбоғли кураш, турон кураши, шашка-шахмат каби оммавий турлар бўйича мусобақаларга тайёргарлик рисоладагидай ташкил этилганлигини таъкидлаш жоиз. Бошқача бўлиши мумкин ҳам эмас. Чунки «Умид ниҳоллари»дай нуфузли мусобақаларга мезбонлик қилишнинг ўзи бўлмайди, бу ҳар бир сирдарёликка катта масъулият юклайди.

**А. ХОНИМҚУЛОВ.**



*— Довуччанинг мўллигини қаранг-а!..*

Бахтиёр АКРАМОВ сурат-лавҳаси.

***Ўзбек тили ниҳоятда бой, гўзал, бетакрор қудратга эга. Бу тилда минглаб буюк асарлар, илмий тадқиқотлар яратилган. Бинобарин, у давлатимизнинг расмий тилидир.***

# ЁҒ БОШҚА, МОЙ БОШҚА...

Бугун она тилимизнинг қадр-қиммати, ҳурмати ва иззати жойида. Тилимиз нафақат бадиий адабиётнинг, балки илмий адабиётнинг нафис безагига, ёрқин ифодасига айланиб улгурди. Бу жуда қувончли ҳол.

Аммо, таассуфки, кейинги пайтларда босма нашрларда, маҳсулотлар ёрлиқларида атамаларга нисбатан эътиборсиз, пала-партиш муносабатда бўлинмоқда.

Хусусан, «Мой» ва «ёғ» атамаларидан фойдаланишда айтиш лозимки, кўплаб чалкашликларга йўл қўйилмоқда.

▼ Мулоҳаза

Чунончи, липидлар номли умумий илмий атамага эга мой ва ёғлар бир-биридан жузъий жиҳатлар билан фарқланади. Жумладан, мойлар суюқ, ёғлар эса қаттиқ бўлади. Иккинчидан, уларнинг манбалари ҳам турлича: мойлар ўсимликлардан (масло растительные), ёғлар жониворлардан (жиры животные) олинади.

Учинчидан — липидлар кимёвий жиҳатдан мураккаб эфирлар бўлгани боис улар таркибидаги кислота эфирлари тўйинган ҳолида қаттиқ (ёғ), тўйинмаган ҳолда суюқ (мой) бўлади.

Кўриниб турибдики, ушбу тафовут мойларни ёғлар билан алмаштириб юбормаслик учун кифоя. Демак, ёғ-мой комбинатлари қадоқланган мойлар идишларига пахта ёғи (хлопковое масло) деб ёрлиқ ёпиштиришлари тўғри эмас. Борингки, ёрлиқдаги мазмунга ишониб, кўрпача жиягидан озгина пахта ситиб олсак, хаёлан уни тегирмон тошлари орасига ёки темир босқон остига қўйиб эзсак ёғ чиқармикан? Ҳеч-да! Аслида «пахта ёғи» чигитдан олинадиган мойдир. (Масло хлопчатника). Яна бир гап. Миллий саноатимизнинг фахри Қўнғирот сода заводида маҳсулот кальцинация жараёнидан ўтказилиб, кальцинацияланган сода олинади. Маълумки, илмий терминлардаги — ация қўшимчаси ўзбекча — «лаш», русча — ирование билан алмаштирилади. Баъзи «чапдаст» журналистлар бу қўшимчаларни омухталаб ўзларича сўз ясаётганларидан ёқа ушлайсан. Нима эмиш. «Калцинирлашган». Ё, тавба.

Яна бир мулоҳаза. Баъзи нашрларда углерод, углеводород, углевод ибораларини тушуниб-тушунмай ишлатилишини кузатасиз. «Углевод» сўзма-сўз таржима қилинса — кўмир (уголь), сув (вода)нинг бирлашган мазмунини беради. Уни илмий асосланган ҳолда ўзбекона қилиб «карбонсув» деб ёзиш мумкин-ку.:.

Биз бу билан пашшадан фил ясамоқчи эмасмиз. Аксинча, ниятимиз холис. Илмий атамаларни мақолаларда «тўғри» ўқисак, радио, телевидение сухандонлари тилидан эса «тўғри» эшитсак деймиз, холос.

**Асфандиёр АЛОВИДДИНОВ,**
**кимё фанлари доктори, профессор.**

# Оромгоҳ мавсумга шайланмоқда

"Қизилқумцемент" очиқ акциядорлик жамиятига қарашли "Шаббода" болаларни соғломлаштириш сиҳатгоҳи янги мавсумга тайёргарликни бошлади. Сиҳатгоҳни таъмирлаш ишлари май ойи охирига қадар якунланиши кўзда тутилган. Янгича қиёфа касб этган дам олиш хоналари, спорт мажмуаси, ошхона, сув ҳавзаси ҳамда маданий-маиший объектлар ёзда болалар ихтиёрига топширилади.

**Ҳамдам ЭШОНҚУЛОВ,**
**"Халқ сўзи" мухбири.**



**Табобатнинг ўлмас қоидаси бор. Табиб бир воситачи холос, дарддан халос бўлиш эса, аввало, беморнинг ўзига боғлиқ. Бир нарса эсимиздан чиқмаслигини истардим: биз ғам-аламга ботсак ҳам, севинчга ғарқ бўлсак ҳам, сабабини ўз-ўзимиздан излайлик. Суратга, яъни ташқи муҳитга кўп ҳам эътибор бераверманг. Зеро, гап суратда эмас, сийратда, бизнинг аҳволи руҳиятимизда. Ана шу мезонни хаёлдан фориғ этмасак, муолажа осон кечади. Биз ичимиздаги душмандан озод бўлмас эканмиз, жамики аъзои баданимизни қамраб олган иллатни енгиб ўтолмаймиз.**

# Суратни қўй, сийратга боқ

*Неки истарсен, ўзингдин истагил.*

**А. Навоий**

Сиз билан биз ҳаётимизда кечган, бугун кечаётган ва эрта-индин кечадиган жами воқеа-ҳодисаларга жавобгармиз, масъулмиз. Бундан чўчимайлик. Энди нима бўлади, деб ваҳима қилмайлик. Зеро, биз бошимизга тушадиган савдоларга гоҳо ўзимиз ҳам сабабчи эканлигимизни, офтобдай чарақлаган ёруғ кунларимизни-да ўз қўлимиз, ғайратимиз ва истеъдодимиз билан яратишимиз зарурлигини англашимиз даркор. Тақдир бизни эмас, биз тақдирни бошқаришимиз лозим. Ҳадиси шарифда ҳам Тангри Таоло ғайратли бандаларини ёрлақайди, дейилган. Демак, ўзимиз учун яхши қисмат, яхши истиқбол яратиш пайида бўлишни фарз, деб билмоғимиз лозим. Бунинг учун кўп нарса керак эмас. Кундалик турмушимизда асқотадиган оддийгина таомилларга амал қилсак, олам гулистон. Мен сизларга ўшандай таомилларнинг бир-иккитасини эслатиб ўтмоқчиман.

Ўзингизга бир ҳисоб беринг-а. Ҳар куни эрта тонг уйқудан кўз очганингизда кўнглингиздан нелар кечади? Нечук хаёлларга борасиз? Янги тонгни зерикарли ва тушкун ўйлар билан бошлайсизми? Ҳаёт машаққатлари, бу дунёнинг адолатсизлиги, ўзингизнинг ношуд, нотавон эканлигингиз хусусида яна эзгин ўйларга ботиб, ич этингизни ейсизми? Агар шундай қилсангиз — хатога йўл қўйган бўласиз. Аввало, омон-эсон ётиб турганингиз учун Яратганга шукр қилинг. Мана, яна тонг отди, бугун мени қандоқ хушхабарлар кутар экан, дея хаёл қилинг. Бугуним кечаги кундан яхшироқ, баракалироқ ва омадлироқ бўлишига ишонаман, деб ўзингизни «бахтиёр тўлқинлар»га созланг! Шоирнинг шеъри ёдингиздадир:

▼ Мушоҳада

*Тонг отмоқда,*
*мусаффо тонгга*
*Юрагини тутар одамлар,*
*Шу тонг учун келган*
*жаҳонга,*
*Ва шу тонг деб*
*ўтар одамлар...*

Бу дунёда тасодифий нарсанинг ўзи йўқ. Барча унсур, воқеа, ҳодисот ўзаро чамбарчас боғлиқ. Ҳамма нарсанинг ибтидоси бўлгани каби интиҳоси ҳам бор. Халқнинг экканингни ўрасан, деган нақли бекор айтилмаган. Ниятинг — йўлдошинг. Агар эртаю кеч хаёлингизни бадбин ўйлар чулғаб тураверса, бир куни бу ўйлар хунук амалларга айланмоғи турган гап. Ахир, азалдан маълум: инсон руҳиятидаги тушкун ҳолат уни соғ қўймайди, онгидаги ёмон хаёллар билан бирлашиб эгасининг шахсий ҳаётини барбод этади. Эсингизда бўлсин, буғдой эккан буғдой ўради, арпа эккан — арпа. Сассиқ алаф экиб, буғдой ўраман, деб хомтама бўлманг. Зеро, тоза ариқдан тоза сув оқади, деган гап ҳам бор. Демак, биз хурсандчилик истасак, руҳиятимизни равшан, шууримизни тиниқ тутиб юришимиз лозим.

Жонингизни асрашни ўрганинг. У мурғак гўдак сингари нафис ва тегманозик бўлади. Шундоқ экан, бу жон қушини авайлаб-эъзозлайлик, уни ҳуркитиб юбормайлик, унга озор бермайлик. Бас, сиз бор — жон бор, жон бор экан — сиз барҳаётсиз. У туфайли сийнангизда илоҳий бир туйғу яширин. Бу туйғу — сизнинг жавҳарингиз, яъни аслингиз. Сизнинг аслингиз эса, нури илоҳий, севинч, ижод, яратиш, шижоат, муҳаббат, ҳаёт. Мана шу эсингиздан чиқмаса, бас.

Сўзни авайлаб сўзланг. Тилингизга эҳтиёт бўлинг. Аччиқ сўз айтманг. Бировнинг дилига озор бериб, яхшилик кутманг. Тиғ яраси кетар, тил яраси кетмас. Беҳуда-бекор айтилган ёмон сўз акс-садо бўлиб, тағин маломатчининг бошига қайтгай. Совун ҳам иссиқ сувда яхши кўпиради. Яхши сўзга туя ҳам чўк тушади. Тилингиз ширин бўлса, дунёнинг шодлиги сизни излаб келаверади.

Ўзингни эр билсанг, ўзгани шер бил, дейдилар. Ўзгалар фикрига қулоқ солинг. Фақат менинг гапим тўғри, мен ҳақман, деган нодондан ҳазар. Шоҳ Машрабнинг оловли байтларини гоҳо-гоҳи мутолаа қилиб, мағзини чақиб туринг: «Мужтаҳиднинг ўғли бўлсанг, соҳиб кароматман, дема!»

Ҳаёт — бу азалий ва абадий мактаб. Ундан сабоқ олиб, чарчаманг. Ҳаётдаги илғор, одамларга нафи тегадиган удумларни ўзлаштиринг. Ўтмишдаги ҳамма нарсага ҳам тақлид қилиш шарт эмас. Замоннинг зайлига қарамасангиз, уялиб қолишингиз мумкин. Бинобарин, кўпчилик юрган тўғри йўлдан юраверган маъқул. Ён-атрофингиздаги биродарларингизни имкон қадар эзгуликка элтувчи манзил сари етакланг. Бировга чоҳ қазигунча, дўстингга уй солиб бер.

Ва ниҳоят, сўнгги маслаҳат. Юрак амрига қулоқ солинг. Кўнглингиз сизни алдамайди. Кўнгилнинг кўчаси кенг, дейдилар. Кўнглингиз сизни обод, равон, чароғон кўчаларга бошласин. Бу эса, ўзингизга боғлиқ. Суратга камроқ, сийратга кўпроқ эътибор берсангиз бас, мақсадга етасиз. Бунга мутлақо иймоним комил.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 356. 37080 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Холматова.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.05 Топширилди — 21.55 1 2 3 4 5 6 7